



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 21 yil « 23 » fevral

№ 93

Toshkent sh.

### **“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 майдаги ПФ–5989-сон Фармони ва “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ–4453-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 майдаги ПФ–5989-сон Фармонига ва “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ–4453-сон қарорига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаvasи ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан – 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан – 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим (кейинги ўринларда – йиғим) ундирилиши;

б) мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган маблағларнинг (трикотаж мато экспортдан ундирилган йиғимлар бундан мустасно) 75 фоизи “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг алоҳида банк ҳисобварағига қуйидагилар учун:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш, тайёр маҳсулотларни ташқи бозорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

тармоқ корхоналарининг халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши, миллий брендларни яратиши ва илгари суриши билан боғлиқ харажатлари қопланиши;

илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жумладан уларни хорижга ўқиш учун юбориш;

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг ижро этувчи аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, уюшманинг хорижий ваколатхоналарини сақлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш харажатларини компенсация қилиш;

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадлар учун йўналтирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари ташкилотларига Жамғармадан маблағ ажратиш тартиби;

Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини шакллантириш тартиби;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб, ҳисобот ва назорат.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

йиғимларни жамлаш учун даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги шахсий ғазна ҳисобварақлари белгиланган тартибда очилишини;

мазкур ҳисобвараққа ундирилган йиғимлар юзасидан маълумотлар базасига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси уланишини ҳамда ўзининг дастурий таъминоти божхона органлари дастурий тизимлари билан интеграцияланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси пахта ип-калавасини “экспорт” ЭК-10 божхона режимига расмийлаштиришни ташкилотлар томонидан мазкур товарлар экспорти учун белгиланган йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига тўлангандан сўнг амалга оширсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси И.У. Хайдаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “23” Февралдаги 93 -сон қарорига  
илова

**“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг (кейинги ўринларда – Уюшма) тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари хизмат кўрсатувчи банкда очилган тегишли ҳисобварақда жамланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби**

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калава олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан – 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан – 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан – 0,2 АҚШ доллари миқдорида ундириладиган йиғимларнинг 75 фоизи ҳажмдаги тушумлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарманинг маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари ташкилотларида (кейинги ўринларда – соҳа ташкилоти) халқаро стандартларни жорий этиш, тайёр маҳсулотларни ташқи бозорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

б) соҳа ташкилотларининг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш, миллий брендларни яратиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

в) илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жумладан, уларни хорижга ўқиш учун юбориш;

г) Уюшманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг ижро этувчи аппарати ходимларини сақлаш ва моддий рағбатлантириш;

д) Уюшманинг хорижий ваколатхоналарини сақлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш харажатларини компенсация қилиш;

е) Уюшма аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадлар.

5. Жамғармадан мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган йўналишларга маблағлар ажратиш тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича амалга оширилади.

6. Уюшма томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан соҳа ташкилотларининг илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар бўйича харажатларини қоплаш Уюшма таъсисчилари умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган устувор йўналишлар асосида амалга оширилади.

### **3-боб. Соҳа ташкилотларига Жамғармадан маблағ ажратиш тартиби**

7. Соҳа ташкилотларига Жамғармадан маблағ ажратиш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Соҳа ташкилотлари мазкур Низомнинг 4-банди “а”, “б” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган йўналишлар бўйича харажатларни қоплаш учун Уюшмага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

муружаат этувчи юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк бўлинмасининг номи ва банкдаги ҳисобварағи, электрон почта манзили, СТИР кўрсатилган ариза варағи;

Жамғармадан маблағлар ажратиш зарурлигини тегишли ҳужжатлар (маблағлардан фойдаланиш йўналишига қараб) билан асослаш;

соҳа ташкилотларининг охириги ҳисобот даври учун, жумладан, барча иловалари билан биргаликда бухгалтерия ҳисоботининг нусхаси.

Ушбу Низомнинг 4-банди “в” кичик бандида кўрсатилган илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратиш тўғрисида ариза тақдим этилган тақдирда, қўшимча равишда лойиҳанинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Ариза берувчи соҳа ташкилотлари мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этиши шарт.

Мазкур Низомнинг 4-банди “а”, “б” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган йўналишлар бўйича соҳа ташкилотларни харажатларининг 50 фоизи миқдоридagi қисми Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

9. Жамғармадан маблағ ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор соҳа ташкилотларининг аризаси олинган кундан бошлаб 10 иш кунидан, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар бўйича тақдим этилган ҳужжатлар 30 иш кунидан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

10. Соҳа ташкилотларининг Жамғармадан маблағ олиш учун тақдим этилган ва мазкур Низом талабларига мос келадиган ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11. Уюшма Жамғарма маблағларини олиш учун соҳа ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, агар буюртманома Жамғарманинг мақсад ва вазифаларига мос келмаса, маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш таваккалчилиги мавжуд бўлса ва лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги етарлича асосланмаган бўлса, маблағларни ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Уюшма бошқаруви томонидан Жамғармадан маблағлар ажратиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин 1 иш куни ичида ариза берувчини хабардор қилади ва белгиланган маблағ соҳа ташкилотлари аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига 3 иш куни ичида ўтказиб берилади.

13. Ариза берувчи соҳа ташкилотлари ушбу Низомнинг 4-банди “а”, “б” ва “в” кичик бандларида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг тасдиқловчи ҳужжатларни 15 иш куни ичида Уюшмага тақдим этиши шарт.

14. Соҳа ташкилотларида ўзлаштирилмасдан қолган маблағ ҳамда ажратилган йўналишдан бошқа мақсадларга сарфланган маблағ тўлиқ ҳажмда соҳа ташкилотлари томонидан Уюшмага қайтарилади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш**

15. Истиқболдаги вазифаларни сифатли амалга ошириш ва маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли ҳамда манзилли бўлишини таъминлаш учун ҳар молия йили учун Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси (кейинги ўринларда – смета) тузилади ва тасдиқланади.

16. Смета лойиҳаси йил бошидаги Жамғарма маблағлари қолдиғи, келгуси йил мобайнида алоҳида ҳисобвараққа тушиши кутилаётган маблағлар ва истиқболдаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда Уюшма томонидан тузилади. Сметанинг даромадлар ва харажатлар қисми баланслаштирилган бўлади.

17. Сметанинг даромадлар қисми молия йили бошига Жамғарма маблағлари қолдиғи ҳамда келгуси йилда тушиши кутилаётган маблағлар прогнози кўрсаткичларидан таркиб топади.

18. Сметанинг харажатлар қисми мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган йўналишлар бўйича тегишли ҳисоб-китоблар, шунингдек, тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларидан тайёр маҳсулотларгача бўлган ишлаб чиқариш қуввати билан таъминланган соҳа ташкилотлари ҳамда Уюшма уставига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи соҳа ташкилотларининг асосли ҳисоб-китоблари билан тақдим қилинадиган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун аризалар асосида шакллантирилади.

19. Келгуси йил учун мўлжалланган смета лойиҳаси жорий молия йилининг 1 декабридан кечикмасдан Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишига кўриб чиқиш ва келишиш учун киритилади.

20. Смета лойиҳаси бўйича Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан таклиф ва эътирозлар билдирилган тақдирда, смета лойиҳаси қайта ишланади ва тасдиқлаш учун Уюшма бошқарувида киритилади.

Смета лойиҳаси ҳар молия йилининг 25 декабрига қадар Уюшма бошқаруви қарори билан тасдиқланади.

21. Молия йили мобайнида Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши билан келишган ҳолда сметага тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

22. Молия йили давомида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) Жамғарма маблағлари келгуси молия йилига ўтади.

**5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб,  
ҳисобот ва назорат**

23. Жамғарма маблағлари ҳаракати ва улардан фойдаланилиши ҳисоби Уюшма томонидан алоҳида юритилади ва йиллик ҳисоботлар тузилади.

24. Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланилиши устидан назорат Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

25. Уюшма ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунига қадар Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

**6-боб. Яқунловчи қоида**

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик  
ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси  
маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

Соҳа ташкилотларига Жамғармадан маблағ ажратиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Ижро муддати
I-босқич	Соҳа ташкилотлари	Халқаро стандартларни жорий этиш, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш, миллий брендларни яратиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга Жамғармадан маблағлар олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш.	Зарур бўлганда
II-босқич	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқаруви	1. Жамғармадан маблағ олиш учун соҳа ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва кўриб чиқиш. 2. Ҳужжатлар бўйича молиялаштириш (қоплаш) ёки Жамғармадан маблағлар ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш 30 иш куни ичида
III-босқич	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқаруви	Соҳа ташкилотларига қабул қилинган қарор тўғрисида хабарнома юбориш.	Уюшма бошқарувининг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг 1 иш куни ичида
IV-босқич	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқаруви	Соҳа ташкилотлари аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига Жамғармадан маблағлар ўтказиш.	Хабарнома олингандан сўнг 3 иш куни ичида
V-босқич	Соҳа ташкилотлари	Соҳа ташкилотлари томонидан тадбирлар амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатларни Уюшмага тақдим этиш.	Тадбирлар амалга оширилгандан сўнг 15 иш куни ичида